



УСТРОШОНА ЁДГОРЛИГИ

Наманган вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи илмий ходими:

М. Хусаинова

Бугунги Ховостнинг жануби ғарбидаги Карвонсарой қишлоғининг қаршисида кўхна Ховст шағар харобаси жойлашган. Қадимий Уструшона худудидаги энг йирик ва мураккаб бу археологик арк, шахристон ва роботдан иборат. Унинг робот қисми бузилиб кетган.

ЎзРФА археология институтининг Сурхондарё гурухи А.А. Грицина раҳбарлигида олиб борилган археологик изланишлар натижасида топилган эрамиздан аввалги 3-2 асрларга оид топилмалар, бу ерда қадимги маданий қатламлар устига қурилган шаҳар мавжуд бўлганлигини исботлайди.

Қадимий шахристон худудининг марказий қисмида олиб борилган тадқиқот худуднинг шарқий қисмидаги қазилар ишлари жараёнида хўжалик ва оловга сиғиниш учун мўлжалланган 2 та хоналар ўрни сақланиб қолгани маълум бўлди. Шунингдек, майда шағал тош билан тўлдирилган ўлчамлари 90х95 см квадрат шаклидаги қурилма аниқланди. Ушбу қурилманинг сомон аралаштирилган лойдан тикланган деворнинг қалинлиги 20 см, сақланиб қолган баландлиги эса 15х18 см ташкил қилади. Унинг ёнидан 50-55 см ўлчамдаги, 4-6 см дақиқ қалинликда шағал тўшалган доирасимон майдонча ҳам топилди. Қазув тадқиқотлари олиб борилган худудда топилган 2 та оловга сиғиниш ўчоғидан бири хонанинг ғарбий томонида жойлашган. Унинг кенглиги 40-45 см. қурилманинг сомонли лой билан сувалган юза сатҳи олов тасирида 2-4 см қалинликда қизариб куйган. Иккинчи ўчоқ квадрат шаклда, ўлчамлари 60х60 см ўчоқларнинг олди қисми шарққа қаратилган бўлиб, улардан диний маросимларда фойдаланилган. Қадимда квадрат шаклидаги оташгоҳлар қурбонлик келтириш маросимларида ишлатилган ва унда аёллар иштирок этиши маълум этилган. Шу каби оташгоҳлар бронза даврида қурила бошлаган бўлиб, улар оилада, уруғда ва



қабиллада эркаклар мавқеи ўсиши билан боғлиқ деб ҳисобланади. Сўнгги антик ва илк ўрта асрларга оид икки хўжаликка тегишли уй жой ўринлари ва турли хил шаклдаги ўчоқларнинг шакл ва жойлашган ўрнига қараб, уларнинг таом пишириш, хона иситиш ва оловга топинишга мўнжалланган дея ажратиш мумкин. Ноёб топилмалар сирасига кирадиган, ҳосилдорлик ва мангулик тимсоли-Анахита хайкалчаesi эрамиздан аввалги III-II асарлага оид бўлиб, унга ҳар томондан қизил ангоб берилган. Стауэтканинг баландлиги 7,7 см эни 4 см орқа томони бироз эгилган ва пичоқ билан текисланган. Образга қолипда аниқ кўринишда шакл берилган. Юзи сочлари билан ўралган. Кўзлари, бурни, қулоқларидаги сирғалари дахана ва кўкрагига пуфакчалар тарзида шакл берилган. Оғзи унчалик билимайди. Пастки қисми умуман йўқ. Сўғд Хоразм, бақтрия каби маданий юртлардан ажратиб турувчи унсурларни этибордан соқит қилмаган ҳолда, уни маҳаллий ҳунарманднинг сўғд прототипи асосида ясаган варианти дейиш мумкин. Уструшоннинг бой топилмалари антик даврдаёқ бу ерда шаҳар маданияти вужудга келганини кўрсатади.

Меморчилик тарихи тадқиқотчиси Катрин Эйшер Ҳиндистонда Бобур масжидлари билан машҳур 3 обида ҳақида маълумот беради. Бизнинг кунгача 3 масжид сақланиб қолган. Панипатдаги Қобулий боғ ва яна бошқа икки масжид улардан бири Самбихалда, иккинчиси Аёдхияда қад кўтарган. Уларнинг барпо бўлишида Бобурнинг ўзи ва Акориблари бевосита ҳамкорлик қилган. Панипатдаги Қобулий боғ масжиди Харияна штатида жойлашган. Тарихий маълумотларга кўра атрофи боғ билан ўралган. Ушбу масжид қурилиши 1528-йилда тугалланган. Масжиднинг марказий қисмида пештоқ қад кўтариб турибди, у қиблага қаратиб қурилган. Масжид меҳроби тошдан терилган. Иншоотнинг қолган деворлари ғиштдан тикланган бўлиб, сирти сувоқланган. Оқ ва қора мрамарга битилган Қуръон оятлари ёзуви 1527-1528 йилларга мансуб. Қурилиш чоғида Ҳинд усталари айрим маҳаллий меъморий услубларни ишлатганларига қарамай, Қобулий боғ масжиди архитекtonикаси Самарқанддаги Бибихоним меъморий



мажмуасига яқин. Самбхал масжиди шу номли воҳада Дехлидан 140 км узоқликда жойлашган. Ўша даврга оид Хинд миниатюраларидан бирида Бобур от минган ҳолда Самбхал масжидини эслатувчи масжид минораси қаршисида тасвирланган. Рамнатхнинг гувоҳлик беришича, иншоотдаги 3 ёзувдан биттасида қуйидаги жумлага дуч келамиз. “Бобур фармони билан бу масжид қурилиши унинг акориби Мир Ҳиндубек томонидан 933(1526) йилда бошданди”. “Бобур масжидлари” дан учинчиси 1527-1529 йилларда Файзобод ноҳиясида Аёдхия қишлоғида, Гихагахра дарёси соҳилида Бобурнинг аёни Мир Боқий Тошкандий томонидан тикланган. Марказий қуббадаги ёзув таржимасига таянган ҳолда (таржимон Мавлявий Ашраф Хусайин) Рамнадх таъкидлайдики ҳукмдори Бобур ушбу масжид тикланишида шахсан раҳбарлик қилди. Кетрин Эйшер фикрига кўра, 3. М Бобур Ҳиндистондаги қисқа муддатли ҳукмронлиги даврида Темурийлар даври қурилиш услубини Ҳиндистон меъморчилигига олиб киришга муваффақ бўлди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Абдуллаев Н. Санъат тарихи. 2т.-Т.; «Санъат» 2001,
2. Қурбанова Й. Амалий санъат буюмларига бадиий ишлов беришда турли ранглардан фойдаланиш. БМИ. Тошкент – 2014, .
3. Садикова Н. Ўзбек миллий кийимлари: XIX–XX асрлар.
4. Маликова С.С. Тасвирий санъат тарихи. – Т., 2008.
6. Абдуллаев Н.У. Санъат тарихи. – Т.: «Ўқитувчи»

